



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-12>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Садибекова Молдир Сеилхановна СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ГОСУДАРСТВЕННАЯ УСЛУГА» И «ПУБЛИЧНАЯ УСЛУГА» ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ КАЗАХСТАНА И УЗБЕКИСТАНА.....	5
2. Камалова Гулноза Абдубаситовна КРУПНАЯ СДЕЛКА ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЩЕСТВ: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ ПРАВОПРИМЕНЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	15
3. Алиходжаев Комил Кадинович АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	23
4. Хакимова Камола Фаррух кизи ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АДВОКАТОВ И ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ УЗБЕКИСТАНА: БАЛАНС ЭФФЕКТИВНОСТИ И АДВОКАТСКОЙ ТАЙНЫ.....	32
5. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ.....	42
6. Ahmadjonov Sultonbek Shukurillo o'g'li QALBAKI PUL, AKSIZ MARKASI YOKI QIMMATLI QOG'OZLAR YASASH VA ULARNI O'TKAZISH JINOYATINING AYRIM JINOIY-HUQUQIY, KRIMINOLOGIK HAMDA TERGOV TAKTIKASI JIHATLARI (O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JK 176-MODDASI MISOLIDA).....	52
7. Ergashev Xudoberdi Rahmatjon o'g'li AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI IJRO ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MASALALARI VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH CHORALARI.....	59
8. Xolmirzayeva Shoxista Arziqul qizi NOQONUNIY MIGRATSIYA VA TRANSMILLIY JINOYATCHILIK: XALQARO HUQUQIY NAMKORLIK MECHANIZMLARINING TAKOMILLASHUVI.....	66
9. Тилеуов Еркинбай Муратбаевич ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	75
10. Ёкубжонов Алишер Шерзод ўғли ПОНЯТИЕ НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ ЧАСТНОЙ ЖИЗНИ ЛИЧНОСТИ И ВОПРОСЫ ЕЕ ОХРАНЫ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ.....	86
11. Зокиров Сардор Каримжонович МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФУНКЦИИ ЗАЩИТЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВОСУДИЯ.....	95
12. Нурматов Равшан Бегмаматович ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ПРОБАЦИЯСИНИНГ МАЗМУН – МОҲИАТИ.....	102



Алиходжаев Комил Кадинович,
 Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
 академияси мустақил изланувчиси
 E-mail: Roland.uz@mail.ru

**АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК
 ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
 ЖИХАТЛАРИ**

For citation: Alixodjaev Komil Kadirovich. SCIENTIFIC AND PRACTICAL ASPECTS OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION AIMED AT ENSURING EMPLOYMENT OF THE POPULATION. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 12.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509191>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг илмий-амалий жиҳатлари баён этилган. Муаллифнинг фикрига кўра, бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасига мазкур соҳада прокурор назоратини самарали ташкил қилиш муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади. Прокурор назоратининг мазкур йўналиши прокурор назорати фани доирасида олимлар томонидан умумий асосларда ўрганилган бўлсада, алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Муаллиф айрим ўринларда бир қатор олимлар билан илмий мунозарага киришади. Шунингдек, мақолада соҳада прокурор назоратидан кўзланган мақсад, прокурор назоратининг аҳамияти, қонунийликни таъминлашдаги салбий омиллар, назоратни ташкил қилишда амал қилиниши лозим бўлган услубий-амалий кўрсатмалар ёритилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, бандлик, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати.

Алиходжаев Комил Кадинович,
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной
 Академии Республики Узбекистан
 E-mail: Roland.uz@mail.ru

**НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА
 ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНАДАТЕЛЬНОСТИ НАПРАВЛЕННОГО НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ
 ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются научные и практические аспекты прокурорского надзора за исполнением законодательных актов, направленных на обеспечение занятости населения. По

мнения автора, сегодня в результате проводимых масштабных реформ, направленных на обеспечение занятости населения, повышение его доходов и сокращение бедности, эффективная организация прокурорского надзора в этой сфере имеет большое правовое значение. Хотя данное направление прокурорского надзора изучалось учеными на общих основаниях в рамках сфере прокурорского надзора, в качестве самостоятельной исследовательской темы она не изучалась. В некоторых моментах автор вступает в научную полемику с рядом учёных. В статье также рассматриваются цель прокурорского надзора в данной сфере, значение прокурорского надзора, негативные факторы в обеспечении законности, методические и практические рекомендации, которых следует придерживаться при организации надзора.

Ключевые слова: прокурорский надзор, занятость населения, прокурорского надзора за исполнением законодательства направленного на обеспечение занятости населения

Alixodjaev Komil Kadirovich,

Independent researcher of Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan.

E-mail: Roland.uz@mail.ru

SCIENTIFIC AND PRACTICAL ASPECTS OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION AIMED AT ENSURING EMPLOYMENT OF THE POPULATION

ANNOTATION

This article examines the scientific and practical aspects of prosecutorial oversight over the implementation of legislative acts aimed at ensuring employment. The author believes that, as a result of ongoing large-scale reform aimed at ensuring employment, increasing incomes, and reducing poverty, the effective organization of prosecutorial oversight in this area is of great legal significance. Although this area of prosecutorial oversight has been studied by scholars in the general context of prosecutorial oversight, it has not been explored as an independent research topic. In some instances, the author engages in scholarly debate with several researchers. The article also examines the purpose of prosecutorial oversight in this area, the importance of prosecutorial oversight, negative factors in ensuring legality, and methodological and practical recommendations to be followed when organizing oversight.

Keywords: prosecutorial supervision, employment of the population, prosecutorial supervision of the implementation of legislation aimed at ensuring employment of the population.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги мустаҳкамланди[1].

Ижтимоий давлатнинг асосий мақсади ижтимоий адолат, умуминсоний ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъулиятнинг қонун билан мустаҳкамланган тамойиллари асосида ижтимоий тараққиётга эришишдир. Ижтимоий давлат аҳолининг заиф қатламларига ёрдам беришга ва адолат тамойили асосида иқтисодий фойда тақсимотига таъмир кўрсатишига, ҳар бир инсоннинг муносиб яшашини таъминлашга чақирилади[2].

Мамлакатимизда меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилиш, ишчи кучи талаб ва таклифининг ҳозирги тенденциялари, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатлари ҳамда ҳудудлар кесимидаги демографик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс сиёсат амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ҳудудий ва тармоқ дастурлари шакллантирилмоқда, уларнинг амалга оширилиши мувофиқлаштирилмоқда, янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмалари тизимли асосда ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — ногиронлиги бўлган шахслар, ёшлар, аёллар, кам таъминланган оилалар ва меҳнат бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган шахслар учун алоҳида иш

жойлари захираси (квота) белгилаш механизми изчил татбиқ этилмоқда. Мазкур чоратadbирлар орқали бандлик сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, худудлар ўртасидаги меҳнат ресурслари дисбалансини бартараф этиш ва аҳоли турмуш даржасини ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат бозорида юзага келаётган муаммолар ҳали-ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарлича йўлга қўйилмаганлиги, инновацион касб-хунар тайёрлови ва қайта тайёрлаш дастурларининг амалиётда тўлиқ қамровга эга эмаслиги, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича керакли инфратузилма ҳали тўлиқ шаклланмагани бир қатор минтақаларда ишсизлик даражасининг барқарор пасайишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ноқонуний меҳнат миграцияси, вақтинчалик норасмий фаолият билан шуғулланувчи шахслар сонининг ошиб бориши, ишчи кучидан ноқонуний фойдаланиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, меҳнатга оид статистик ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилиги таъминланмаслиги ҳам соҳадаги қарор қабул қилиш жараёнларининг самарадорлигини пасайтиради.

Бундан ташқари, ташкил этилган иш жойларининг ҳаққоний ҳисобини юритиш, яратилган иш ўринларининг реал фаолият юритиши устидан назоратни кучайтириш масалаларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари етарлича самарали йўлга қўйилмаган. Аслида, бандлик соҳасидаги давлат дастурлари бажарилишини мониторинг қилиш, иш ўринларининг сақланиши ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда ушбу институтлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда, иш ўринлари яратиш бўйича мазкур дастурларда кўрсатилган кўрсаткичлар қоғозда қолиб кетиши, амалда эса иқтисодий таъсир кутилган даражада бўлмаслиги мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар соҳада янада тизимли ва мақсадли ёндашувни талаб этади. Меҳнат бозоридаги муаммоларни бартараф этиш учун илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, аҳоли ўртасида касб танлаш маданиятини ошириш, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш каби чоралар зарур. Бандлик сиёсатини янада такомиллаштириш фақатгина янги иш жойларини яратиш билан чекланиб қолмасдан, ишчи кучини самарали ишга йўналтириш, меҳнат бозорининг сегментлари ўртасида мутаносибликни таъминлаш ва ҳар бир фуқаро учун муносиб меҳнат шароитлари яратишни ҳам назарда тутати.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, бандлик – фуқароларнинг қонунчиликка зид бўлмаган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳамда уларга иш ҳақи ёки бошқа даромад келтирадиган меҳнат фаолиятидир. Қонун ҳар бир фуқарога шахсий қобиляти, билими ва малакасига мувофиқ меҳнат қилиш, иш жойи ва касб танлаш, тadbиркорлик билан шуғулланиш ҳамда қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бундан ташқари, ҳақ тўланадиган иш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари – волонтерлик, ижодий фаолият, уй меҳнати кабилар ҳам бандлик шакллари сифатида қонун доирасида таъминлаб қўйилган.

Илмий адабиётларда аҳоли бандлиги тушунчасига турли олимлар томонидан турлича таърифлар берилган бўлиб, уларнинг аксарияти бандликни фуқароларнинг меҳнат муҳитидаги фаол иштирокини, иқтисодий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлишини ва ижтимоий ҳаётда фаол субъект сифатида намоён бўлишини англатади. Айрим тадқиқотчилар бандликни фақат иш билан таъминланганлик ҳолати сифатида эмас, балки инсон капиталидан самарали фойдаланиш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт эҳтиёжларига мувофиқ йўналтириш ва меҳнат муносабатларини тўғри ташкил этиш жараёни сифатида ҳам изоҳлайдилар. Шундай қилиб, бандлик – нафақат иқтисодий категория, балки ижтимоий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омил сифатида қаралади.

Хусусан, академик Қ.Абдурахмонов фикрича, “Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад келтирадиган фаолиятдир” [3].

Иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг таъкидлашича, “Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор кишиларни ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир” [4].

В.А.Павленковнинг ёзишича, аҳоли бандлиги – бу қонунда белгиланган ёшга етган ва ҳозирги пастда моддий ёки пул шаклида даромадлар олиб келадиган фаолият билан шуғилланувчи фуқаролардир[5].

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда унинг аҳамияти давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Прокурор назоратининг йўналишлари ҳақида ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан бир-бирига ўхшаш илмий қараш ва фикрлар билдирилган.

Жумладан, Е.Р.Эргашевнинг фикрича, йўналиш “прокуратура фаолиятининг маълум предмети ва усули, вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқий воситалари билан тавсифланган соҳаси” сифатида қаралади[6].

Ю.Е.Винокуров эса “йўналиш деганда ҳуқуқий муносабатларнинг маълум бир соҳасида муайян қонун ёки қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш” деб ҳақли равишда таърифлайди[7].

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;

ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш;

ишга жойлаштириш жараёнларига илғор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш[8].

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларда прокуратура органларига муҳим янги вазифалар юклатилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш усуллари кўп жиҳатдан жамиятнинг ривожланиш даражасини кўрсатади.

Ушбу масалада ҳуқуқшунос олим В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини амалга оширишда прокурор назоратининг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди, улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради[9].

Аҳамиятлиси, Давлат Раҳбари раислигида ижтимоий-иқтисодий, кишлок хўжалиги ва бошқа қайси соҳа бўлмасин ўтказилган видеоселектор йиғилишларида ҳамда ҳудудларга ташрифларида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш асосий ўринни эгалламоқда, бу борада прокурорларга ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

Бундан ташқари, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 29-мақсадида ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш белгиланган.

Фикримизча, тадқиқ этилаётган аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонун бузилишларининг ўз вақтида аниқлаш;

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонун бузилиши ҳолатларга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этилиши устидан самарали назорат ўрнатиш;

Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини қонунда белгиланган тартибда назорат ҳужжатлари қўллаш орқали ҳал қилиш.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда:

❖ аҳоли бандлигини таъминлашга доир ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда меҳнат бозорининг амалдаги ҳолати пухта таҳлил қилинмаслиги;

❖ янги иш ўринлари ташкил этиш учун давлат буюртмасини ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ишга жойлаштириш учун квоталар белгилашда ишлаб чиқилган чора-тадбирларни аниқ мақсадга йўналтирилмаганлиги;

❖ меҳнат органларига мурожаат қилган ишсизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш, аҳолини жамоат ишларида иштирок этишга жалб қилиш ишлари етарли ташкил этилмаганлиги, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги;

❖ ишга муҳтож шахсларни, айниқса, банд бўлмаган ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ташкил этилмаганлиги;

❖ бандликка кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратилмаганлиги;

❖ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигининг самарали ташкил этиш бўйича механизмлари шакллантирилмаганлиги;

❖ ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларининг аҳолининг ижтимоий заиф қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслиги;

❖ вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларида иш изловчилар учун етарли шароитлар яратилмаганлиги;

❖ хорижда ишлаш истагини билдирган фуқароларни танлаш, тайёрлаш, мослаштириш тадбирларини ўтказиш ва хорижда ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ҳамда назорат қилиш орқали уларга хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришга доир ҳуқуқларини амалга ошириш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги.

Аҳоли бандлигини таъминлашга оид ҳисоботларни тузишда қуйидаги ҳуқуқбузарликлар турлари нисбатан кенг тарқалган:

- 1) янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 2) квота иш ўринларини яратилганлиги ҳақидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 3) ишсизларни квота иш ўринларига жойлаштирилганлиги ҳақидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 4) иш излаб мурожаат қилган фуқароларни йўлланма асосида ишга жойлашишда ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;

- 5) касбга қайта тайёрланган фуқаролар ҳақида ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 6) ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар ҳақида ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 7) устоз-шогирд бўйича ўқитилганлар ҳақида ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари;
- 8) бўш иш ўрин ярмаркаларида йўлланма берилган фуқароларни ишга жойлашганлиги ҳақида ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грант маблағларининг талон-торож қилишнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

➤ камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ажратилган маблағларни ҳужжатларни сохталаштириш орқали талон-торож қилиниши;

➤ камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилганлик ҳақида ҳужжатларни сохталаштириш орқали субсидия маблағларини талон-торож қилиниши;

➤ камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга — яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун харажатларни талон-торож қилиниши.

Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини тизимли ташкил этиш, бу йўналишда назорат тадбирларини тўлақонли ва сифатли ўтказиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш айнан юқоридаги муаммолар ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғига мувофиқ прокурорлар:

✓ меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш;

✓ янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижроси, бу борадаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши аҳволини доимий равишда ўрганиб боришга алоҳида эътибор қаратишлар керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан текшириш ўтказишдан аввал ваколатли давлат органлари ва муассасаларидан тегишли маълумот ва ҳисоботларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим.

Текширувларга пухта тайёргарлик кўриш назорат тадбирларининг сифатли ва самарили ўтказилишида муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

В.М. Пашин, В.В. Павлюковнинг таъкидлашича, “...прокурор тайёргарлик босқичида жуда кенг кўламли ишларни амалга ошириши керак, яъни текширувларни ўтказиши, мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга, шужумладан текширув предметида оид статистика: текширилаётган орган хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги жиноятчилик, унинг ҳолати, моҳияти ва динамикаси; текширувдан олдинги даврда текширилаётган йўналишни ўрганиш юзасидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш; олдинги текширишлар натижалари; бошқа зарур маълумотларга аниқлик киритиши лозим” [10].

Бу борада ҳуқуқшунос олимларимиз А.Б.Комилов ва бошқаларнинг “Текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлаш, текширишга тайёргарлик кўриш босқичида қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида ваколатли давлат органлари ва муассасаларидан соҳага оид маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади” [11] деган фикрини қўллаб-қувватлаймиз..

Мазкур ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш, текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳага оид тегишли маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг худудий тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида текшириш ўтказилиши лозим.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 22 ва 25-моддаларида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланади. Хусусан, Қонуннинг 22-моддасига кўра, прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг худуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур [12].

Бундан ташқари, текширишда бевосита прокуратура органлари билан биргаликда – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси, Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси, Давлат солиқ кўмитаси, банк, статистика органларининг малакали мутахассислари иштирок этишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тегишли идоралардан мутахассислар жалб этилганидан сўнг уларга текшириш ўтказиш дастури тақдим этилиб, мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва унинг тизими ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва унинг тизимида:

- ✓ аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг ижроси аҳволи;
- ✓ меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга маслаҳат берилганлиги ҳақидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги;
- ✓ жойларда бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этилиши, шу орқали аҳолини иш билан таъминланиши аҳволи;
- ✓ иш қидираётган шахсларни маҳаллий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқаришда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилганлиги;
- ✓ ишга жойлаштиришга доир йўлланмалар ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш юзасидан мурожаатномалар асосида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш аҳволи;
- ✓ ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни, шу жумладан, ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарни, кўп болали ота-

оналарни, ногиронларни ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрилган чоралар аҳволи;

✓ шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ҳамда ишсиз деб эътироф этишни рад этишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилганлиги;

✓ ишсиз шахсларнинг маҳаллий меҳнат органларига келишини ҳисобга олиш уларнинг иш қидириш ва ишга жойлашишдаги фаоллигини ошириш, уларга мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги жорий ахборотни тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ишга жойлашишига ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларнинг улар томонидан ўз вақтида олиншини таъминлаш чоралари кўрилганлиги;

✓ тугатилаётган ташкилотларнинг маблағлари мавжуд бўлмаганлиги учун ходимларга тўланган компенсацияларнинг асослилиги;

✓ ишсизлик нафақасининг тайинланиши ва тўланишининг қонунийлиги;

✓ ишсизлик нафақасини тўлашни тугатиш ва тўхтатиб туришнинг асослилиги;

✓ иш қидираётган ёки ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малақасини оширишга доир давлат буюртмаси шакллантирилиши ва унинг ижроси;

✓ касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малақа ошириш даврида ишсиз шахсларга Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан стипендия тўланишининг қонунийлиги.

Фикримизча, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати замонавий шароитда амалга оширилаётган кенг ислоҳотларнинг ижобий натижасининг самарали кафолати ҳисобланади.

Чунки прокуратура органлари ўзларига берилган ваколатларни амалга ошириб, янги иш ўринлари яратиш бўйича дастурларни амалга оширилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилган бюджет ва имтиёзли кредит маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қиладилар.

Шу ўринда ушбу тадқиқот мавзусининг аҳамияти ҳақида сўз юритган И.С.Викторовнинг фикрига қўшилаамиз. Унга кўра, ижтимоий соҳада прокурор назорати жамиятдаги криминоген ижтимоий омилларни очиб беришда муҳим аҳамият касб этиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш бундай омилларнинг таъсирини юмшатишга ёрдам беради, молиявий таъминот ва барқарор даромад манбасига эга бўлмаслиги билан боғлиқ омилларни бартараф этишга ёрдам беради[13].

Баён этилган ҳолатлар ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашда прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, тадқиқот мавзусининг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги, шунингдек, ушбу соҳада прокурор назоратининг назарий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. Adopted by popular vote in the referendum of the Republic of Uzbekistan held on April 30, 2023.) <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Устаменко И.В. Прокурорский надзор за соблюдением социальных прав и свобод человек и гражданина в Российской Федерации. Дисс... канд. наук. С.34. (Ustamenko I.V. Prosecutor's supervision of compliance with social rights and freedoms of man and citizen in the Russian Federation. Diss... Cand. sciences. P. 34.)
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). –Т.: Меҳнат. -2009. 512 б. (Abdurakhmonov K.Kh. Labor Economics (textbook). –Т.: Labor. -2009. 512 p.)
4. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дасрлик. –Т.: Иқтисод-молия, -2014. -424-б (Olmasov A., Vakhobov A. Economic Theory. Textbook. –Т.: Economics-Finance, -2014. -424-p)

5. Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. М.: МГУ, 2004. -584 с. (Pavlenkov V.A. Labor Market. Employment. Unemployment. Moscow: Moscow State University, 2004. -584 p.)
6. Эргашев Е.Р. Прокурорский надзор в Российской Федерации: учеб. для бакалавров. М.: Юрайт, 2012. С.22. (Ergashev E.R. Prosecutor's Supervision in the Russian Federation: a textbook for bachelors. Moscow: Yurait, 2012. P.22.)
7. Прокурорский надзор: курс лекций и практикум. 7-е изд., перераб. И доп. / под ред. Ю.Е.Винокуров. М., 2006. С. 148-150. (Prosecutor's Supervision: a course of lectures and a workshop. 7th ed., revised and enlarged / edited by Yu.E. Vinokourov. Moscow, 2006. Pp.148-150.)
8. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси. (Article 6 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Employment of the Population”) <https://lex.uz/docs/5055690>
9. Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. –С.189-190. (Bessarabov V.G. Prosecutor's Supervision. Moscow: 2006. –P.189-190.)
10. Пашин В.М., Павлюков В.В. Использование информационных систем при осуществлении прокурорского надзора в сфере оперативно-розыскной деятельности. Юридические науки, Вестник КГУ № 3, 2019. (Pashin V.M., Pavlyukov V.V. Use of Information Systems in the Implementation of Prosecutor's Supervision in the Sphere of Operational-Investigative Activities. Legal Sciences, KSU Bulletin No. 3, 2019) <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-informatsionnyh-sistem-priosuschestvlenii-prokurorskogo-nadzora-v-sfere-operativno-ozysknoydeyatelnosti/viewer>.
11. Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма // ю.ф.ф.д. (PhD) А.Б.Комилов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2021. – 17 б. (Prosecutor's control over the implementation of legislation in the social sphere. Methodological manual // Doctor of Laws (PhD) A.B. Komilov and a team of other authors. – Т.: Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, 2021. – 17 p)
12. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prosecutor's Office" /) // <https://lex.uz/docs/106197>.
13. Викторов И.С. Социально-экономическое развитие России: позитивные и негативные последствия этого процесса / Актуальные проблемы совершенствования прокурорского надзора в социально-экономической сфере: Сборник научных трудов / М. НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при генпрокуратуре РФ. 2005. С.4-5 (Viktorov I.S. Socio-economic development of Russia: positive and negative consequences of this process / Current issues of improving prosecutorial supervision in the socio-economic sphere: Collection of scientific papers / Moscow Research Institute of Problems of Strengthening Legality and Law and Order under the Prosecutor General's Office of the Russian Federation. 2005. Pp. 4-5)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000